ФРАНЦУЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА “МУҲАББАТ” ТУРЛАРИ ИФОДАЛАНИШИНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Жамолиддин Ёқубов,

ЎзДЖТУ профессор

Аннотация: Мазкур мақола муҳаббат категориясининг турларига бағишланган. Мақолада муҳаббат категориясининг моҳияти ва аҳамияти изоҳли луғатларда, Ўрта Осиё мутафаккирларининг назарий қарашларида, шунингдек француз ва ўзбек тиллари материаллари асосида очиб берилган.

Аннотация: Эта статья посвящена типам категории любви. В статье раскрываются сущность и значение категории любви в толковых словарях, теоретических воззрениях мыслителей Средней Азии, а также на основе материалов французского и узбекского языков.

Abstract: This article is devoted to the types of the category of love. The article reveals the essence and meaning of the category of love in explanatory dictionaries, theoretical views of thinkers of Central Asia, as well as on the basis of materials from the French and Uzbek languages.

Маълумки, тил ва маданият реал борлиқ оламнинг ажралмас объекти ҳисобланади. Биз тил орқали маданиятлараро мулоқатни ўргатамиз. Тил ва маданият тушунчалари бир-бири билан узвий боғлиқ семалардир.

Маданиятлараро мулоқат назариясида турли хил маданият тушунчаларини ажратиш мумкин: 1) маданият фаоллиги; 2) тасвирлаш маданияти; 3) функционал маданият; 4) баҳолаш маданияти; 5) рамзий маданият; 6) маънавий-руҳий маданият; 7) диалогик нутқ маданияти ва ҳ.к.

Ҳаётда шундай нозик туйғу борки, у инсонни яхшиликка, эзгуликка, ишлашга ва яхши яшашга ундайди. У ҳам бўлса “муҳаббат” туйғусидир.

Муҳаббат - қандайдир шахсга ёки шахслар гуруҳига, ғояга ёки амалий лаёқатлилигига нисбатан пинҳоний ва кучли ҳис тўйғу бўлиб ҳисобланади ва у шахс сийратининг мустақил ва эркин ифодаси сифатида юзага келади.



Муҳаббат тўйғусининг улуғворлиги ва мураккаблиги шунда, унда биологик ва маънавий, яккалик ва ижтимоий, интим ва умумий вазиятлар бамисоли битта нуқтага тўпланади (QOMUS.INFO > МУҲАББАТ).

Ҳолбуки муҳаббат аксарият истак-хоҳиш билан чалкаштирилади. Ташна одам сув ичишни истайди, бироқ бунинг учун сувни севишнинг ҳожати йўқ. Муҳаббат, шубҳасиз, истак-хоҳишни юзага келтиради, лекин истак-хоҳиш ва севги-муҳаббат ўз ҳолича айни бир хил эмас. биз она юртимизда яшашни ва унинг равнақ топшини истаймиз, “чунки” уни севамиз. Меҳр-муҳаббатимиз айни истак-хоҳишлар дебочаси, улар она юртга меҳримиз уруғидан ниҳол сингари ўсиб чиқади.

Муҳаббат жуда кенг тушунча бўлиб, унинг ҳақида кўплаб таърифлар келтириш мумкин, Жумладан, ўзбек тилининг изоҳли луғатида шудай дейилади: “Муҳаббат: 1. Кимсанинг кимсага қалбдан берилиш ҳисси; севги, ишқ. Муҳаббат чирой танламас.Мақол. 2. Бировга, бирон нарса ёки ишга берилиш, мойиллик туйғуси, меҳр. Мусиқага муҳаббат қўймоқ. Санъатга бўлган муҳаббат” [Ўзб.тил. изоҳли луғати III, 2023, 249].

Профессор Ш. Рахматуллаев эса муҳаббат маъносини этимологияси билан тушунтиришга ҳаракат қилган. Унинг «Ўзбек тилининг этимологик луғати»да «Муҳаббат» лексемасига қўйидагича таъриф берилган: Муҳаббат – бу арабча сўз muhabbat (un) шаклига эга; ўзбек тилига хойи хутти товушини ҳ товушига алмаштирилиб қабул қилинган; muhabbat(un) - муҳаббат. Бу сўз асли ‘севди’, ‘кўнгил берди’ маъносини англатувчи habba феълининг habbaba сўзидан ҳосил қилинган мажҳул нисбат сифатдоши бўлиб ‘севги’ маъносини англатади [Рахматуллаев 2003, 307].

Таниқли шоир Омон Мухтор эса асарларидан бирида муҳаббатга шундай таъриф берилган. «Муҳаббат – бу ўша инсонга бўлган шайдолигинг эмас, аксинча ўз туйғуларингга бўлган шайдолигингдир».

Таъкидлаш лозимки, ижтимоий фикрлар тарихида муҳаббатга турлича маъно берилган. Юнонистонда муҳаббатни кишилар ва табиат устидан



ҳукмронлик қилувчи афсонавий куч деб тушунганлар, натижада муҳабба худоси — Ерот (Ерос) ҳақида тасаввурлар вужудга келган. Емпедокл муҳаббат оламни — инсонлар ва табиат ҳодисаларини уюштириб, бирлаштириб турувчи омил деб қараган, Платон муҳаббатни 2 турга — ҳиссий муҳаббат ва ақлий муҳаббатга ажратади. Унинг фикрича, ҳиссий муҳаббат ташқи гўзалликни ҳис қилишдан ҳосил бўлади ва муҳаббатнинг қуйи босқичини ташкил этади. Ақлий муҳаббат эса гўзалликни кенг маънода — ахлоқий-эстетик, илмий тушунишдан пайдо бўлади. У аклий (маънавий) муҳаббатни устун қўяди.

Айтиш жоизки, Ўрта Осиё мутафаккирлари ҳам муҳаббат масаласига катта эътибор берганлар. Улар инсонлар орасидаги, жумладан, эркак ва аёл орасидаги муҳаббатни юксак муносабат деб тушунишган. Ибн Сино муҳаббат ҳақида махсус илмий асар ёзгани маълум. Юсуф Хос Ҳожиб назарида, муҳаббат мустаҳкам оилавий турмуш, ижтимоий такомилнинг заминидир. Лутфий фикрича, муҳаббат инсонни қадрлаш, садоқат ва вафодорлик билан чамбарчас боғлиқ.. Алишер Навоий муҳаббатни 3 турга: эркак билан аёл никоҳида амалга ошадиган жинсий муҳаббатга, умуман инсонлар ўртасидаги муносабатларда намоён бўладиган муҳаббатга, Аллоҳга бўлган муҳаббатга ажратади.

Европада муҳаббат муҳим ижтимоий ҳиссиёт сифатида табиатни ўрганишга, шахснинг гармоник такомилига хизмат қилувчи куч сифатида талқин қилинди. 3. Фрейд муҳаббатни физиологик инстинкт деб билли ва ота-оналик, фарзандлик меҳри ҳам шу инстинктнинг айрим кўриниши деб ҳисоблади (Vikipediya, ochiq ensiklopediya).

Муҳаббатга аниқ таъриф берадиган бўлсак , бу – жонли ёки жонсиз исталган объектга йўналган етарли ҳиссий-ҳаяжонли фаолият. “Ҳиссий-ҳаяжонли” фаолият бўлгани боис бир томондан – англаш, тинглаш, фикрлаш, эслаш, тасаввур қилиш сингари ақл-идрок вазифаларидан фарқланса, иккинчи томондан истак-хоҳишдан фарқ қилади.



Мисоллар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, муҳаббат турли гуруҳларга бўлиниб, ҳар хил лингвомаданий хусусиятларни англатиб келмоқда. Масалан, Petit Robert луғатида amour (муҳаббат) қуйидагича талқин қилинади:

1. l’amour pour Dieu, pour la Patrie - Оллоҳни суймоқ, Ватанни севмоқ; бировга эзгулик исташга тайёр бўлмоқ ва ўзини унга бағишламоқ
2. l’amour maternel -Яқинлик, меҳрибонлик туйғуси, қариндошчилик муносабатлари:;
3. Она муҳаббати, ака-ука орасидаги муҳаббат - Fraternel;
4. кимгадир иштиёқ, қизиқиш, ҳирсий туйғулар, лекин улар турлича намоён бўлади:

fou d’amour; amour courtois, platonique (тентакларча севги; назокатли севги; соф ёки мавҳум севги);

5. Интим алоқалар: faire l’amour (севги билан шуғулланмоқ);
6. севимли инсон: mon amour (менинг азизам, менинг қалбим, ҳаётим);
7. афсонавий худо севгиси: Amour (Клеопатра, Мажнун);
8. бирор нарсага нисбатан холисона боғланиш: l’amour de la verité, de la justice (ҳақиқатга , адолатга интилишга бўлган муҳаббат);
9. бирор нарсага нисбатан иштиёқ: l’amour de la nature, de la campagne (табиатга, қишлоққа бўлган муҳаббат).

Француз маданиятида муҳаббат нафақат инсон ҳис-туйғуси, балки у санъат даражасига кўтарилади: L’amour n’est pas seulement un sentiment, il est un art aussi. (Муҳаббат нафақат туйғу, балки у санъат ҳамдир).

Муҳаббатнинг турларини ўзбек тил материалида ҳам учратиш мумкин: Муҳаббат саккиз хил кўринишда бўлади:

1. Одатдаги муҳаббат;
2. Эркак ва аёлнинг эҳтиросли муҳаббати;
3. Ота-онанинг фарзандга муҳаббати;
4. Қовишув муҳаббати (никоҳдан талоққача бўлган муҳаббат);



5. Оллохга бўлган муҳаббат;

6. Ошиқ-маъшуқларнинг висол лаҳзаларидаги муҳаббати;

7. Бандаларнинг Холиққа бўлган муҳаббати;

8. Комил муҳаббат. (Ҳамадоний]

Мазкур мақоламизда юқоридаги муҳаббат турларининг баъзилари ҳақида мулоҳазалар бритамиз.

1) Ватанга муҳаббат ҳақида.

Маълумки, мамлакат раҳбарининг асосий вазифаларидан бири мамлакат ва унинг фуқароларини ҳимоялашдир. Амалда бу вазифани ватанпарварлик ҳиссиётисиз амалга Ўз киндик қони тўкилган, ота-боболари хоки ётган она юртни дунёда тенгсиз, муқаддас Ватан деб биладиган одамнинг мақсад-муддаолари аниқ, ғурур ва ифтихори юксак бўлади.

«Ватан - саждагоҳ каби муқаддасдир». Ватанни энг олий неъмат сингари бошимиз узра баланд кўтариб, ҳар он ва ҳар сонияда унинг тупроғини кўзларга суртиб, унга таъзим бажо айлашимиз фарзандлик бурчимиздир. Муқаддас хадиси шарифларда «Ватанни севмоқ иймондандир», дейилган.

Донолар айтадилар: “Кишининг вафодорлиги ва садоқати унинг ўз Ватани учун қайғуришидан, дўстларини соғинишидан ва умрининг зое кетказган лаҳзаларига ачиниб, ўкиниб яшашидан билинади”. Инсоннинг ўз халқига бўлган садоқати ва фидоийлиги она- Ватанни ҳимоя қилиши, тараққий топиб, ҳар томонлама мустаҳкам ва қудратли бўлиши ҳамда халқининг тинч ва фаровон ҳаёт кечиришига имкон даражада ҳисса қўшиши билан ўлчанади, албатта.

Абдулла Авлоний таъкидлаганидек: «Ҳар бир кишининг туғилиб ўсган шаҳар ва мамлакатини шул кишининг ватани дейилур. Ҳар ким туғилган, ўсган жойини жонидан ортиқ суяр... Биз туркистонликлар ўз ватанимизни жонимиздан ортиқ суйганимиз каби, араблар арабистонларини, қумлик иссиқ чўлларини, эскимуслар шимол тарафлар, энг совуқ қор ва музлик ерларни бошқа ерлардан зиёда суярлар. Агар суймасалар эди, ҳавоси яхши туронлик



осон ерларга ўз ватанларини ташлаб ҳижрат қилурлар эди».

Айтиш жоизки, давлатимиз мадҳияси қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуси бор ҳар қандай юртдошимизда миллий ғурур-ифтихор, юртга меҳр туйғуларини уйғотади.

Ватанга бўлган муҳаббатни биз хорижий манбаларда ҳам учратамиз. Жумладан:

1. Бегона юрт ватан бўла олмайди.. ГЁТЕ.
2. Ким ўз юртини севмаса, у ҳеч нимани сева олмайди.Ж. БАЙРОН.
3. Кимда ўз юртига бўлмаса меҳр, У қалбан шикаста, у қалбан мажруҳ.Т. ШЕВЧЕНКО.

Демак, Ватанни севиш, ватанпарвар бўлиш, ундаги бор нарсаларни ардоқлаб, соғиниб яшаш инсоният табиатида мавжуд бўлган нозик ҳис-туйғудир.

Улуғ инсонларнинг Ватанга муҳаббат ҳақидаги фикрлари ёш авлод қалбида она юртга садоқат туйғулари кучли бўлишига хизмат қилади.

2)Аллоҳ тааолога бўлган муҳаббат ёки “Оллоҳга муҳаббат”

Ҳақиқий муҳаббат Аллоҳ тааолога бўлади, бу муҳаббат ибодат ва солиҳ амаллар, кучли эътиқод ва тақво кўринишида намоён бўлади. Инсонларнинг ўртасидаги муҳаббат эса мажозий маънодаги муҳаббатдир. Уни чуқур ҳурмат-эҳтиром дейиш жоиз бўлади.

Бу ҳақда Аллоҳ таоло ўзининг каломи Қуръони Каримда: “Айтинг (эй, Муҳаммад!): “Агар Аллоҳни севсангиз, менга эргашингиз. Шунда Аллоҳ сизларни севади ва гуноҳларингизни мағфират этади. Аллоҳ кечирувчи ва раҳмлидир..”, – деб таъкидлайди.

Демак, Ҳазрати Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламни чин дилдан севиш, у зотга ҳақиқий уммат бўлишга ҳаракат қилиш Аллоҳ таоло муҳаббатига, гуноҳларни мағфират қилинишига олиб келар экан. Зеро, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларини инсонларга таълим бериб, уларнинг ёйилишига хизмат қилиш, у Зотга бўлган муҳаббат



ва эҳтиромнинг юксак намунаси ҳисобланади.

3)Ота онага бўлган муҳаббат

Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлари” асарида: Кумушнинг онаси(Офтоб ойим)га ёзган хати: “Онажон,куявингизнинг ёзганларидан ташқари мен сизга шу билан олтинчи хат ёздим. Сизни ва отамни жуда соғиндим, агарда оғир оёқ бўлмасам эди, қиш бўлишига қарамасдан Марғилонга жўнар эдим.

Сиз ранжисангиз ҳам айтай: қайин отамни(Юсуфбек ҳожи) ўз дадамдан ҳам яхши кўраман. Бу яхши кўришим куявингизнинг дадаси бўлгани учун эмас, балки унинг нур ичига чўмилгандек бўлиб кўринган сиймосини, ойим деб хитоб қилғандаги мулойим, беозор ва муассир/таъсирли/ сўзини яхши кўраман”.

Кумушнинг ўз онасига ёзган хатлардан маълум бўлдики, ўзининг онасига ва қайин отасига бўлган муҳаббатини юқоридаги хатда аниқ ва равшан қилиб ифода этган. Бизда онага бўлган муҳаббат жуда кучли ҳисобланади.

Ривоят қилишича: Отаси вафотидан кейин ал-Ҳаким ат-Термизий ўз шаҳридаги етук олимлардан асосан тафсир, ҳадис ва фиқ илмларидан сабоқ олади. Аллома Фаридуддин ал-Атторнинг ёзишича, ёши йигирма еттига етганда ал-Ҳаким ат-Термизий икки ўртоғи билан ўша пайтда бутун Шарқда илму маърифатнинг энг йирик марказларидан бири саналган Бағдодга бориб илм олишни ният қилганда бирдан онаси бетоб бўлиб қолади ва унга: «Эй ўғлим, мен бир муштипар, заифа аёл бўлсам, менга сендан бўлак бошпаноҳ бўлиб ёрдам берадиган бирор кимса бўлмаса, менинг бутун борлиғим фақат сен билан боғлиқ бўлса. Сен мени кимга ташлаб кетмоқчисан?» — деб унга илтижо қилади. Волидасининг бу сўзлари ал-Ҳаким ат-Термизийга қаттиқ таъсир қилиб, у илм талабидаги ушбу сафаридан воз кечади. Унинг икки ўртоғи эса ўз сафарларига отланиб йўлга тушадилар. Сўнгра, ушбу воқеадан кейин талай вақт ўтгач, ал-Ҳаким ат-Термизий Бағдодга боролмаганлиги учун ғоятда афсусланиб, мақбаралардан бирининг ёнида йиғлаб хафа бўлиб



турганида унинг ёнида юзидан нур ёғилиб турган бир шайх пайдо бўлиб, ундан йиғлашининг сабабини сўрайди. Ал-Ҳаким унга юз берган воқеани бирма-бир айтиб беради. Шунда шайх: Истасанг, мен сенга ҳар куни турли илмлардан сабоқ бериб, сени ўқитаман, дейди. Ал-Ҳаким унинг бу сўзига дарҳол рози бўлади. Бу ҳол бир неча йил давом этади. Сўнгра у билса бу киши Хизр алайҳиссалом эканлар.

У ўз онасига меҳрибон, уни боқувчисиз ташлаб кетишга журъат қилмаган — оилапарвар, қанчалик илм олишга иштиёқи кучли бўлгани билан ўз волидасининг сўзига қулоқ солиб, унинг дуосини олганлиги боис охир-оқибатда илм олишда ҳам ўз матлабига эришади.

4) Муҳаббат тушунчаси улуғ алломалар назарида:

Инсоният пайдо бўлганидан буён кечган асрлар давомида муҳаббатни шарафлаб саноғи йўқ сатрлар ёзилган, достонлар куйланган.

Қутб Хоразмий “Хусрав ва Ширин” достонида ёзганидек:

…Ишқ бирла тирик ушбу олам,

Агар ишқ бўлмаса, бўлмас эрди одам.

Инсоннинг ўзи Муҳаббатдан вужудга келди. Одам Ато танасига кирган жон – Илоҳий нур эди, бу нур муҳаббат билан йўғрилган эди. Яратган Одам Атодан Момо Ҳавони яратди ва ҳаёт абадияти учун уларга Аллоҳни севиш баробарида бир-бирларини севиш буюрилди. Яратган инсоннинг ҳаёт мақсадини ҳам Муҳаббат деб белгилади.

Нодирабегим эътироф этганидек “Муҳаббатсиз киши одам эмасдур, Гар одамсен, муҳаббат ихтиёр эт”. Демак, Инсон учун дунёда муҳаббатдан олий саодат йўқ, унинг юрагидаги энг гўзал ҳиссиётлар муҳаббат ва ишқдан туғилади. Ишқ ҳаёт гулидир. Бу гул ошиқнинг шодмон ва қайғули қўзёшлари билан суғорилган, унинг ғамгин қувончи билан бўй чўзган.

Муҳаббат инсонийлигимиз кўзгусидир. Ҳазрат Навоий насиҳат қилганларидек:

Бўлмаса ишқ,икки жаҳон бўлмасун,



Икки жаҳон демаки,жон бўлмасун.

Муҳаббат бор жойда,энг аввало, сир бор, дарду ғам бор. Изтиробсиз ва сирсиз ишқ бирон бир ёзувсиз китобга ўхшайди.

Классик асарларда, жумладан, қадимги ҳинд трактатида муҳаббатга бир мунча тўлиқ таъриф берилади: Ақл майли ҳурматни туғдирса, қалб майли дўстликни, тана майли хонишни туғдиради. Ақл, қалб ва тана бир бўлиб севги-муҳаббатни туғдиради.

Француз файласуфи Вольтер: Севги-муҳаббат - бу ҳам қалб, ҳам ақл ва танга бир вақтнинг ўзида ҳужум қилинадиган энг кучли, завқли ҳис-туйғулардан биридир, деган таъриф беради.

Ж. Румий учун севги бутун борлиқни ҳаракатга келтирувчи куч эди.

Абу Али Ибн Сино кучли муҳаббатни изоҳлар экан, уни касаллик сифатида таърифлайди.

Инсонни мажбуран севиб бўлмайди, севги – бу қалбга беихтиёр кириб келувчи туйғу:

Бу тўғрида В. Г. Белинский фикрига қулоқ тутайлик: Муҳаббатни бунчалик улуғлашимизнинг сабаби – табиат одамларга бахтли яшашлари, кўпайишлари, инсон наслини давом эттиришлари учун ҳам мана шу гўзал туйғуни ато қилган; З. Фрейд айтганидек: Севги – бу инсониятни ҳайвонот оламидан суғуриб олган кучдир!.

Аёл юраги белгиси худди шаҳар каби, қисқа фурсат ичида ишғол қилиш мумкин бўлган объектга ўхшатилади, аммо уни сақлаш қанчалар қийин эканлигини мақол орқали тушуниш мумкин: La femme est comme une ville: quand la prise en est si facile, elle est difficile à garder (Аёл худди шаҳар каби, уни забт этиш осон, сақлаб қолиш мушкул).

Айрим манбаларда эса аёл юраги билан курашиш фойдасиз дейилади. Денгиз сувини ичиб бўлмагани каби, унинг юрагини забт этиш ҳам осон эмас: C’est la mer à boire que de lutter contre un coeur de femme (Аёл юраги денгиз сувини ича олмаган каби кураш бефойдадир); Юрак – ҳамма-



ҳамманинг олдига ёзилаверадиган дастурхон эмас.

Муҳаббат ҳар бир инсоннинг қалбида меҳмон бўлади, муҳаббатга бефарқ бўлган аёлларнинг ўзи йўқ, аммо, уларнинг қалбига йўл топувчи эркаклар камлигидан шикоят қилинади: Муҳаббатга бефарқ аёл бўлмайди, агар бефарқ бўлса, билингки, унинг қалбида муҳаббат оловини ёқадиган эркак ҳали учрамабди.

Шундай қилиб, ҳар қанча замон ўтмасин, жамият ва давлат табиатида ҳар қандай янгиланишлар юз бермасин, инсон табиати муҳаббат ва ишқ меҳварида қолаверади. У ернинг тортиш кучидай, оҳанрабодай ҳамиша ва ҳар қандай шароитда юракларни ўзига тортаверади. Муҳаббатни туйган юракгина ҳаётнинг асл маъносини англайди. Муҳаббатдан тўлқинланган дил инсонни буюк жасоратларга ва кашфиётларга даъват этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аҳмедов И. Муҳаббат шароби: (2 тўплам).– Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2003. – 48б.
2. Мопассан, Ги де. Азизим: – Новеллалар. Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987.– 656 б.
3. Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. - Тошкент, «Университет», 2003.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Учинчи жилд. Ғафур Ғулом номидаги “Нашриёт-матбаа ижодий уйи”. – Тошкент 2023. – Б.249.
5. Қодирий А. Ўткан кунлар. – Тошкент, “Янги аср авлоди”, 2016. – 435-436б.
6. Petit Robert. Dictionnaire alphabétique et analogique de la langue française contemporaine. – Paris: 1978. – 960 p.

